


ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 октябр куни Оқсаройда Япониянинг «Мицуи» корпорацияси катта маслаҳатчиси, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитаси раиси Наохико Кумагаи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Н.Кумагаи бошчилигидаги япон ишбилармонлари делегацияси иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг Тошкентда ўтказилган қўшма мажлисида иштирок этиш учун мамлақати-

мизга келган. Президентимиз меҳмонларни мажлис муваффақиятли яқунлангани билан қутлар экан, япон ишбилармонларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги қизиқиши тобора ортиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ислам Каримов, гарчи мазкур икки қўмита иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида тузилган бўлса-да, уларнинг фаолият кўлами анча кенг эканлигини, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маданий соҳаларни қамраб олаётганини қайд этди.

Меҳмонлар Ўзбекистон раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мазкур қўмиталарнинг фаолияти икки томонлама шериклик учун фойдали бўлаётганини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

СУРАТДА: қабул пайти.

Муҳаммад АМИН
олган сурат.



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 28 октябр
шанба
Сотувда эркин нархда
№ 215 (2512)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Самарқандда биринчи

Нарпай тумани деҳқонлари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажардилар. Ҳозиргача 31000 тоннадан зиёд ҳосил тайёрланди, унинг қарийб 90 фоизи юқори навларга сотилди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бош муҳаррир минбари

Биз билан ҳамфикр, ҳамкор бўлинг!

Қадрли муштарийлар! Сиз бугундан бошлаб, мунтазам равишда ҳар ҳафтада бир марта «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бугунгидай 16 кичик саҳифали, ўзгарган шаклу шамойилдаги сонларини олиб ўқийсиз.

Уларда ахборотлар кўлами анча кенг бўлади. Газета саҳифаларида мамлакат ҳаётидаги кундалик янгиликлардан ташқари, ҳозирги дунёдаги долзарб ижтимоий-сиёсий воқеалар, мамлакатлар ва халқлар ҳаётининг кўпчилигини қизиқтирувчи томонлари ҳам ёритиб борилади. Аини пайтда тараққиётимизга халақит бераётган ҳолатлар, лоқайд раҳбарлар ҳақида ўткир чиқишлар, иқтисодиёт, маънавият, спорт оламидаги ранг-баранг воқеа-ҳодисалар алоҳида саҳифаларни эгаллайди. Газеталаримизда халқ фикрини кенг ёритиш ният қилинмоқда. Яъни, Сиз азиз газетхонларнинг кундалик муаммоларингиз, таклиф ва истакларингиз баён қилинган мактубларга махсус саҳифалар ажратилади. Ҳаётнинг муҳим масалалари бўйича савол-жавоб анкеталари ташкил этилади.

(Давоми 2-бетда)

Ушбу сонда:

ТЕМУР МАЛИК



7-бет

Католар такрорланмасин
2-бет

Муҳаббат АЮПОВА нимадан порози?

4-бет

Мадлен Олбрайт уй бекаси


12-бет

бўла оладими ?

Соғлом авлод йили

Бизнинг толеимизда мудом бахт қуёши порлагай. Шунинг учунки, биз янги даврнинг, янги асрнинг, озод Ўзбекистоннинг озод фарзандларимиз. Авлодлари соғлом бўлишни истаган Юртнинг келажаги ҳам асло завол топмагай!

13-бет



Келгуси ҳафтада ўқинг:

- Конфуций ҳикматлари
- Маҳмуд Таробий — миллат фидойиси
- Бозорларда ўзгариш бўладими?
- Мотуридий ва Марғинонийнинг гуҳари шарифлари

Эътибор сусайганда

қонун ижросига заҳа етади

Кеча Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси, Ёшлар ишлари кўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг кўшма йиғилишида «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё ва Навоий вилоятларида ижро этилиши масаласи муҳокама қилинганда ана шундай хулосага келинди.

Тўғри, вилоятларнинг ҳамма туманларида ҳам аҳвол бирдай, деб бўлмайди. Қолаверса, жорий йилда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, Соғлом авлод дастурлари асосида муайян ишлар қилинди. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника негизини яхшилаш мақсадида чет эл инвестициялари жалб қилинмоқда. Жойларда тез тиббий ёрдам марказлари, айниқса, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат сифатини яхшилаш учун қишлоқ врачлик пунктлари қуриш ишлари йил сайин кўпайиб бораёпти. Бу яхши. Лекин қатор камчиликлар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайди.

Йиғилишни олиб борган ва қўрилган масала юзасидан маълумот берган Олий Мажлис Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси Машқура Сафоёва камчиликларнинг асосий сабабларидан бири маҳаллий давлат ҳокимиятлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалдаги қонуннинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш сусайган, натижада унда белгиланган меъёрларни бажариш талабга жавоб бермай қолган, деди. Қизиғи шундаки, вазирлик ҳамда вилоятлар соғлиқни сақлаш бош-

қармалари томонидан хусусий тиббий амалиёт олиб бориш учун лицензия олган врачларнинг негизини ярмидан кўпи ишлашмаяпти. Ҳар икки вилоятда ҳам врачлар ва ўрта тиббий ходимлар малакасини ошириш масалалари қониқарсиз аҳволда. Масалан, Сирдарё вилоятда врачларнинг 40 фоизи, ўрта тиббий ходимларнинг 12 фоизи, Навоий вилоятда эса врачларнинг 33,9 фоизи, ўрта тиббий ходимларнинг 14,7 фоизи тоифа олган, холос. Ҳар иккала вилоятда ҳам болалар ўлимининг кўрсаткичи юқори. Бу эса кўп жиҳатдан ҳомиладор аёлларнинг камқонлиги ва бошқа касалликларга бориб тақалади. Вилоятларда шифохоналарни дори-дармонлар билан таъминлашда ҳам қатор камчилик ва етишмовчиликлар мавжуд.

Йод моддасининг етишмовчилиги сабабли эндокринологик ҳисобда турувчилар сони камаймаяпти. Сотилаётган ош тузларининг ҳаммаси таркибида ҳам йод мавжуд эмас. Энг зарарлиси, озиқ-овқат сақлайдиган омборхоналар санитария меъёрларига жавоб бермайди. Қонун меъёрларини бузиш ҳолатлари юзасидан жиддий чоратadbirlar қўрилмаяпти.

Олий Мажлис Ёшлар ишлари кўмитаси раиси Азамат Зиё бу ишга ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ҳам жалб қилиш зарурлиги ҳақида гапирди.

Йиғилишда қабул қилинган қарорда йўл кўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди, таклиф ва мулоҳазалар айтилди.

Исмаи ХУДОЁРОВ.

Биз билан ҳамфикр, ҳамкор бўлинг!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Газеталар шакли-шамойили ва мундарижасини ўзгартириш, янгилаш — замон талабларига ҳамоҳанг ва тараққиётнинг тақозосидир. Чунки ҳаёт шиддатли ўзгараёпти, дунё ўзгараёпти. Мустақил Ўзбекистонда демократик-иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб, янги-янги самаралар бермоқда. Мамлакатимизда демократик жараён янги, кенг кўламадаги эркинлаштириш босқичига кўтарилмоқда. Бу ўзгаришларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда матбуотнинг ҳиссаси таъсирчан ва фаол бўлиши лозим. Президентимиз шу боисдан оммавий ахборот воситаларининг ҳаётдаги ўрни ва мавқеи энг юксак халқаро андозаларда бўлишини олдимизга вазифа этиб қўймоқдалар.

Халқимизнинг мустақил тараққиёт йилларидаги юксак маънавий ривожига ҳам газета ва журналлар фаолиятида чуқур сифат ўзгаришлари қилишни тақозо этмоқда. Бугунги газетхон бошқача, у эски русумдаги матбуотни хоҳламайди. Ўзбекистоннинг жаҳон билан фаол интеграциялашуви, дунё ахборот оламининг мамлакатимизга кенг кириб келаётганлиги, халқаро миқёсдаги

борди-келдилар кундалик ҳодисага айланганлиги одамларнинг фикри, дунёқарашини, жумладан, матбуотга муносабатини ҳам ўзгартирмоқда. Бугунги ўқувчи барча воқеа-ҳодисаларни, далиллар ва рақамларни кенг халқаро кўламада таққослаб фикрлаш имкониятига эга. Бундай шароитда матбуот ҳам эскича ишлай олмайди. Матбуотнинг яшashi ва ривожланиши учун унинг кузатиш ва фикрлаш даражаси юксак замонавий поғоналарда бўлиши керак.


Орзуга айб йўқ. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг ижодий жамоаси ҳам ана шундай катта ўйлар билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Уларнинг мақсади ўзлари масъул бўлган нашрларни кенг эътибордаги ижтимоий-оммавий минбарларга айлантиришидир. Албатта, бу борада таҳририятимиз Сиз, азиз газетхонларнинг ҳамкорлигига ҳам умид боғлайди. Истагимиз шуки, Сиз фақат газеталаримизнинг ўқувчиси бўлиб қолманг, балки уларни энг қизиқарли, ўқимишли, илғор замонавий дид ва малакадаги нашрларга айлантиришга доир фикр ва ўйларингизни ҳам биз билан баҳам кўринг. Сизларнинг шундай муддаога қаратилган фойдали фикр, таклиф ва истакларингизни кутамиз, азизлар.

Хатолар такрорланмасин

Келгуси йил ҳосили

ҳозирги ҳаракатимизга боғлиқ

Маълумки, ўтган ҳафтанинг жума кuni Оксаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида пахтачилик соҳасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтган эди. Унда қишлоқ хўжалиги жабҳасида жорий этилаётган ислохотларнинг бориши таҳлил этилди. Президент билдирган фикр-мулоҳазалар ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда соҳа олдидagi вазифалар белгилаб берилди.



Ш. ЖАББОРОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

Қуз ҳавоси юришиб кетган шу ғанимат дамларда бу борадаги вазифаларни жадаллик билан урдалаш учун нималар қилиш керак? Жойлардаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг бурчи нимадан иборат? Олдинга қўйилган мақсадлар моҳиятини ҳамма тўғри тушуниб етадими? Бу саволларга республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков бошқарган мажлисда бандма-банд жавоб изланди.

Анжуманда ҳар бир мавзу юзасидан аниқ-тиниқ фикрлар, амалий таклифлар талаб қилинди. Аввало бу йилги мавсумда мурраккаб аҳволнинг рўй бериши сабаблари таҳлил этилди. Раислик қилувчининг фикрича, 2000 йил ҳосилини етиштириш йўлида бир қанча хатоларга йўл қўйилди. Улар қуйидагилардир: бултур кузда бажарилиши керак бўлган шудгорлаш бу йил мартгача чўзилди, чигит ернинг табиий намига ундириб олинмади, ўғит ва сув талон-торож қилинган ерларга сарфланди, гўза парваришига етарли эътибор берилма-

ди. Узвий силсила каби улашиб кетган бу хатолар оқибатда ҳосил салмоғини пасайтириб юборди.

Хўш, ўтган даврда шунча имконият бой берилган бўлса, энди нима қилиш керак? Кечаги кунни қайтариб бўлмайди-ку?! Тўғри, бироқ ушбу сабоқлардан хулоса чиқармасак, бултурги хатоларнинг такрорланишига йўл қўйсак, соҳада аҳвол яхшиланмайди. Бугунги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қуйидагилардан иборат: мавжуд ҳосилни тезроқ, 15 ноябргача йиғиштириб олиш, шудгорлашни 15 декабргача якунлаш. Айни пайтда кузги дон экишни шу ой охиригача, кечи билан 7 ноябргача тугаллаш.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т. Холтёев ўз маърузасида бугунги куннинг долзарб вазифаларини бажариш учун нималарга эътибор қилиш кераклиги хусусида тўхталди. Хоразм, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Андижон вилоятлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисобот бердилар. Йиғилиш давомида шу нарса маълум бўлдики, ҳали ҳам айрим жой-

ларда ислохотлар моҳияти тўлиқ англаб етилмаган. Бўлмаса, Сурхондарё вилоятининг «Ҳазорбоғ» хўжалигида мактаб ўқувчилари кўм-кўк кўсак териб юрганлигини қандай тушуниш мумкин?

2000 йилги табиат қийинчиликлари ҳаммининг кўз ўнгида рўй берди. Шу маънода ишлар-

ни ташкил этишдаги камчиликларни ҳам қурғоқчиликка тўнкаш инсофдан эмас. Айтайлик, вегетация даврида Самарқанд ва Навоий вилоятларида сув таъминоти кам бўлган эмас. Агар Наманган вилоятида об-ҳаво нокулай келган бўлса, шу ҳудуддаги Наманган тумани деҳқонлари чора топдилар-ку?! Тошкент вилоятидаги Пискент туманида ҳам табиий иқлим қўшни туманлардагидан фарқ қилмагандир. Ҳамма гап илғор иш усулларини оқилона жорий этишда.

Агар «Андижон технологияси» нимадан бошланади?, деган саволни берсангиз, баъзилар плёнка остида чигит ундиришни айтишлари мумкин. Аслида эса Андижон технологияси кузги-қишқи тадбирларни тез ва соз бажаришдан бошланади. Водийдаги Олтиариқ тумани илғор усулларни изчил жорий этиш туфайли муваффақиятга эришаётгани ҳаётини мисол сифатида тилга олинди.

Демак, 2001 йилда мўл ҳосил оламан деган деҳқон шу кеча-кундузда ҳаракатини қилиши керак. Бунинг учун жойлардаги раҳбарлар ишни тўғри ташкил этишлари ҳам фарз, ҳам қарз.

фаолиятида йўл қўйган камчиликлари учун шаҳар онкологик диспансери бош врачининг даволаш бўйича ўринбосари С. Рўзиев эғаллаб турган лавозимдан озод қилинган, 2-жарроҳлик бўлими мудири Г. Ҳакимов, эндоскопия бўлими мудири И.Е. Баранников, анестезиология ва реанимация бўлими мудири Н. К. Умаров, торакал бўлими мудири М. А. Шишкин ва дорихона мудири А. Абдуваҳобовларга «ҳайфсан» эълон қилинган.

Шаҳар онкологик диспансери бош врач Э. Жўраевга бир ой ичида даволаш-диагностика ишлари устидан назоратни қўчайтириш ва жамоа орасида муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш топширилган.

Ҳайъат иши бўйича тузилган маълумотномалар шаҳар онкологик диспансери жамоаси йиғилишида муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

Лавозимидан озод қилинди

«Тошкент шаҳар онкологик диспансери раҳбарлари ишни тўғри ташкил қилолмаганлиги сабабли жамоада муҳит носоғлом, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Ходимларга нисбатан холис муносабатда бўлинмаслиги оқибатда жамоада гуруҳбозлик вужудга келди. Бундан кишилар азият чекишмоқда.

Н. Тўлаев, мазкур диспансер шифокори, медицина фанлари кандидати».

Ҳақиқатдан ҳам, даволаш муассасасида аҳвол шундайми? Таҳририят масалага ойдинлик киритишни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат этди. Яқинда вазирнинг биринчи ўринбосари жаноб Д. Асадов имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, аризада келтирилган фикр-мулоҳазалар маҳсус тузилган ҳайъат томонидан шаҳар онкологик диспансерида ҳар томонлама ўрганиб чиқилган.

Бу текширув натижасида иш

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

жаҳонда ва бизда

«Парламент назорати ҳақида гап кетганда, тўғриси, табиий саволлар ҳам туғилади: қонунлар ижроси устидан Парламент назорати ўзи керакми ёки йўқми? Парламент қонун чиқарувчи орган-ку, шундай экан у фақат қонун чиқариш фаолияти билан чекланса бўлмайдими? Қонунларнинг ижросини таъминлайдиган ижроия ҳокимияти, уларнинг ижросини назорат қиладиган прокуратура, суд ва бошқа бевосита назорат функцияси юклатилган маҳкамалар ҳам бор-ку? Бу жаҳон парламентчилигида қандай ташкил этилган? Газетангиз орқали ана шу саволларга батафсил жавоб топишни истар экдик.»
Гулшода ИБРАГИМОВА, Тошкент шаҳри.

Бўладиган муаммоларни аниқлайди.
Борди-ю мавжуд қонуннинг ижроси билан боғлиқ муаммо пайдо бўлса, Назорат кўмитаси очиқ-ошқора эшитиш ташкил қилади. Унда табиийки, оммавий ахборот воситалари ҳам иштирок этади. Назорат кўмитасининг эшитиш ташкил этишидан асосий муддаоси унинг воситасида маълумотлар тўплаш, мавжуд муаммони бартараф қилишда янги қонунга эҳтиёж бори-йўқлигини билишдан иборатдир.

Ҳудуд юридик шахслардан тушган мурожаатлар бўйича Парламентга таклиф ва тавсиялар юборди. Германия парламенти ижроия ҳокимиятидан ҳисоботлар ҳам талаб қилиши мумкин. Ленин АҚШда ҳам, Германияда ҳам ижроия ҳокимиятларининг таркибида ҳам шикоятлар билан шуғуллангани маҳкамалар бор. Уларда табиийки, мурожаатлар юзасидан охириги ва тўғри гапларни судлар айтади, Швейцария парламентида эса айрим ҳоллардагина фуқароларнинг мурожаатлари бўйича текшириш олиб бориш учун махсус комиссия тузилади. Ва ана шу иш, ҳудуд масала юзасидан эшитиш уюштирилади.

Тўғрисида қарор шаклида таклифлар тайёрлайди, бир сўз билан айтганда парламент олдида ҳисобот бериб турадилар.
Мутахассисларнинг фикрига қараганда, мамлакатимизда эса Парламент назоратини амалга ошириш тўғрисида мақсадни назарда тутати: биринчиси, қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи фактор ва шароитларни аниқлаш, иккинчиси ҳар бир ҳуқуқий меъёрнинг аниқ бир ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилишини таъминлашга эришиш, учинчиси, қонундаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, тўртинчиси, қонунлар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг юксак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни таъминлаш. Бизда Парламент назорати Олий Мажлис сессияси, Кенгаши, кўмита ва комиссиялари, Омбудсман ва депутатларнинг бевосита ўзлари томонидан амалга оширилади. Битта қонун ижроси алоҳида ёки бир нечта қонунлар ижроси бир-

талиқда ўрганилади. Яна бир шакли шундан иборатки, қонунлар ижросининг муайян бир ҳудуд — вилоят, шаҳар ёки муайян бир соҳа ва тармоқдаги ҳолатини ўрганиш мумкин.
Текшириш натижалари авваламбор, кўмита ва комиссия йиғилишларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади. Иккинчидан, текшириш натижалари жойларда муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилади. Учинчиси, тегишли вазирлик, идора раҳбарлига тақдимнома юборилади, мавжуд камчиликларни бартараф этиш талаб қилинади.
Олий Мажлис Котибияти таркибидаги махсус тузилган назорат-ахборот бўлими кўмита ва комиссияларга, депутатларга назорат олиб бориш учун ишчи гуруҳларини тузиш, ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлаш, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиришда яқиндан ёрдам беради.
Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат фаолиятини амалга оширишда депу-

тат сўрови ҳам энг муҳим воситалардан биридир. Қонунга мувофиқ Олий Мажлис депутаты сессияларда Олий Мажлиснинг Раиси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вазирлар ва бошқа давлат органлари раҳбарлигига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, депутат сессиядан ташқари ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлигига сўров киритиши мумкин. Сўров қонунда белгиланганидек депутат ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан ёзма ва оғзаки киритилади. Ёзма равишда киритилган сўров ҳокимият вакиллик органининг сессиясида ўқиб эшитилиши керак.
Қонунга мувофиқ сўров қаратилган давлат органи ёки мансабдор шахс сўровга кечи билан уч кунлик муддат ичида ёки тегишли ҳокимият вакиллик органи белгиланган кўйган бошқа муддатда сессияда оғзаки ёки ёзма равишда жавоб бериши шарт. Сўров муносабати билан ўтказилган муҳокама натижаси бўйича қарор қабул қилинади.
Исмаи ХУДОЁРОВ тайёрлади.

«Пахта — 2000»

Ялли даромад — 120 миллион сўм

Жиззах вилоятида биринчи бўлиб йиллик режани бажарган «Пахтакор» ижара-ширкатлар ҳўжалиги пахтакорлари фақат пахтачиликдан шунча даромад олишмоқчи.
Бунди ҳозирданок 2000 йил рекорди, деса бўлади. Сабаби — пахтачилик учун оғир кечган бу йилги шароитда ҳосилнинг 70 фоизини юқори навларга топшириш, 2245 тонна пахта чўл шароитда ҳашарчиларсиз териб олиш, фақат уруғликдан 13 миллион сўмдан зиёд фойда кўришининг ўзи бўлмади.
Х.Нўмонов, Г.Усмонов бошлиқ ширкатларда 475-525 тонналик хирмон уюлган бўлса, А.Қаршиев, Ш.Зоиров, Ж.Норбўтаев, И.Қўбаев, Г.Нурматов сингари оилавий пудратчилар ҳосилдорликни 35-40 центнерга етказишди.
Энг қувончлиси, ҳўжалик ишчи-хизматчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, режага қўшимча равишда яна 1000 тонна пахта топширишга аҳд қилишди.
Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги

Рафаэл Зиядинов ва бошқалар

Бугунги кунда Наманган вилоятида МДХ давлатлари ва хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бир неча қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Бу эса вилоят иқтисодиёти ривожига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, юзлаб йигит-қизларни доимий иш ўринлари билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг 9 йиллик шодиёналари арафасида бу ерда янги корхона — «НамТоч» ишга туширилди. Бир йилда қарийб 24 минг дона сув ва газ ўлчигич асбоблари тайёрлайдиган ушбу корхона Россиянинг Владимир вилоятидаги «Точмаш» заводи билан ҳамкорликда вужудга келди.
Энди сув ва газ ўлчигич асбобларини четдан келтиришга эҳтиёж қолмади.
СУРАТДА: йиғувчи оператор Рафаэл Зиядинов иш пайтида.
Тургунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Саркорга «Тико» совға қилинди

Янги тамойил

юмушларда «аттанг, адашибмизда» дейишга ўрин қолдирмайди. Унинг ҳар бир талбирни бажаришдаги алоҳида-алоҳида талаблари қоидага айланган.
«Борди-ю, иш жараёнида бирорта қоида бузилса-чи?», сўраймиз саркордан. «Бузилиши мумкин эмас», дейди у қатъий оҳангта, яна қўшиб қўяди: — Бу ҳам ислоҳот». Демак, эгата биринчи юрган тракторнинг изи қолади, у пайкал бошига боргач, шу издан иккинчи эгата айланади. Кейинги сафар ҳам трактор шу йўналишдан қайтса, кўчатга зарар етмайди, эзилмайди. Напжада жўж бошида ҳам кўчатларнинг тўқис бўлиши таъминланади.
Жамоанинг экин майдонлари Нурота тоғ тизмалари этакларида жойлашган. Табиати бироз инжик бўлган

бу ҳудудда гоҳида сел тошса, гоҳида дўл уради. Лекин Низомиддин саркорлик қилаётган жамоада режа улдаланмай қолган йил йўқ. Қўшни жамоаларда режалар ўлда-жўлда қолса-ю, Тангриев бригадаси голибликни кўлга киритаверса! Бу «сир»ни кўпчилик обдон текшириб кўрди. Хулоса бир хил: пахтачи меҳнатда бели қотган, дала ичида улғайган кишигина билади.
Яқинда унинг даласига яна бордим. Ана ҳосил-у мана ҳосил! Ўзанининг бўйи белдан келади, пастан юқоригача гуж-гуж чаноқ. Эгата бошларида ҳосил мўл. Биринчи теримдаёқ йиллик режа улдаланган.

Жамоада 84 киши ишлайди. Улар 110 гектар ерда пахта, 33 гектар ерда галла етиштириладилар. Бултур ҳар гектар ердан 41 центнердан пахта, 39 центнердан галла йиғиштириб олинган бўлса, бу йил галладан 50 центнерлик хирмон уйилди.
Ҳашар йўли билан бунёд этилган янги дала шийпониди ҳамма қулайликлар муҳайё. Теримчилар учун кунда иссиқ овқат тайёрланапти. Ўзлари етиштирган қовун, тарвуз, помидор, узум, олма каби ноз-неъматлар тушлик дастурхонини бежайди. 7 гектар бог-чорбоғда пишиб етилган маҳсулотлар жамоа аъзоларига тарқатилмоқда. 1,5 гектар майдондаги

етилган тераклар зарурат туғилганда одамларга кесиб берилади. Даромадан ҳеч ким нолиган эмас. Нормул Умарова, Шарбат Қўшанова, Фотима Турсунова каби теримчилар мавсум давомида 20-30 минг сўмдан пул олишибди. Эгам Қобилов, Турғун Ҳасанов, Илхом Қўчқоров, Отабек Қаҳқоровларнинг оилалари даромадлари бундан ҳам юқори. Шу йил ёзда 9 хонадонда келин, бешик, хатна тўйлар ўтказилди. 6 оила янги уйларга кўчиб ўтди, 3 киши машина сотиб олди.
Ҳа, ҳар бир саркор туман кенгаши депутаты Тангриевдай ишласа, деҳқончилик маданияти юксалади, режа ошириб бажарилади, қозон ҳам чўмич ҳам мой бўлади, обрўга-обрў қўшлайверади, ислохотлар самараси эса янада яққолроқ кўзга ташланаверади.
Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тахририятимизга ёрдам сўраб мурожаат қилган М.Аюпова ва Тошкент тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Б.Боймухамедовлар ўртасидаги муаммо ҳам шу тариха давом этапти. Чунки, улар орасидаги масалага тегишли мутасаддилар турлича жавоб беришяпти. Оқибатда икки томон ҳам ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга уринишмоқда. Яхшиси, тушунарли бўлиши учун воқеани бошидан сўзлашга ҳаракат қиламиз.

Муҳаббат Аюпова 1996 йили Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» корпорацияси (ҳозирги жамоа хўжалиги)га қарашли эски фермани хусусий мулк қилиб сотиб олади. Нияти қорамол ва қўй-кўзини кўпайтириб, гўшт-сут ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштириб, иқтисодий фойда олиш эди. Шу мақсадда дастлаб 19 қорамол, 75 қўй, 250 товук ва 200 та декоратив қушларни олиб келди. Озуқа, ем-хашак ва дон-дунларни эса бозордан сотиб олиш керак бўлади. Чунки уларни етиштириш учун ер йўқ эди. Шу туфайли иш кўнгилдагидек юришмайди. Бу муддат ичида хусусий фермада ем-хашак сақланадиган катта омборхона қурилади, моллар сақланадиган бино қайтадан таъмирланади. Белгиланган ҳудуд девор билан ўралади. Булар ўз навбатида анчагина меҳнат ва катта маблағлар эвазига бажарилади.



ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат 004354 рақамли акти берилди. Унда ҳам ер майдони 1,05 гектар кўрсатилади.

Энди диққатимизни иккинчи томондан тўпланган хуж-

риш тўғрисидаги 1996 йили майдони 1,05 гектар кўрсатилган далолатномани тузишда иштирок этиб, имзолаган вилоят ер тузиш ва ердан фойдаланиш бошқармаси мутахассиси Э.Аҳмедов 2000 йил 1 мартдаги дало-

линг сўмлик моддий ва маънавий зарарни қоплаб беришни сўраб, Тошкент тумани судига ариза билан мурожаат этишни топширади. Бошқарма ҳам ўз ўрнида туман судига шу мазмундаги даъво аризасини кири-

Ўртада сарсон илик

Ишлар шу тариха давом этаётган бир пайтда ҳужжатларда «ишқал» чиқиб қолди. Яъни раис Б.Боймухамедов М.Аюповага бириктирилган 1,05 гектар ернинг 0,8 гектарини ноқонуний эгаллаб олгансиз, дея 1999 йилнинг 31 мартда 33-сонли шартнома орқали бошқа шахс — А.Абдуяусуповга ижарага беради. Хўш, бунда раис қандай ҳужжатларга асосланганди. У, аввало, ўша пайтдаги хўжалик умумий йиғилиши ва «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарорларига таянади. Чунки уларнинг қарорларида М.Аюповага тегишли майдон 919,5 м² (рақамларни кўрсатишда ҳужжатларга асосландик) қилиб кўрсатилганди. Раиснинг ҳаракатига ана шу асос туртки бўлиб хизмат қилди. Лекин масаланинг иккинчи томони шундаки, 1996 йилнинг 18 мартда 2 та бузоқхона, сут тайёрлаш хонаси, сут қабул қилиш хонаси ҳамда насос жойлашган ер майдонини М.Аюповага бириктириб бериш тўғрисида далолатнома тузилганди.

Бир гуруҳ раҳбар ва мутахассислар иштирокида тузилган ушбу далолатномада Аюпова томонидан хусусийлаштирилган 5 та бино жойлашган ер майдони 1,05 м² иморатлар ва майдонлардан иборат дея аниқ ёзиб қўйилган. Эътиборли жиҳати, айнан шу майдонни ўз қарорларида 919,5 м² кўрсатиб имзолаган корпорациянинг ўша даврдаги раиси Р.Норимов ва «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Н.Каримбердиевлар 18 мартдаги далолатномада эса 1,05 м² ерни ҳам ўз имзолари билан тасдиқлашди. Четдан қараган ҳар қандай киши бу ҳаракатларга қандай мантиқий баҳо беришни билмай қолади.

1996 йилнинг 9 апрелидаги Тошкент тумани ҳокимининг 160-сонли қарориди ҳам 5 та бино жойлашган 1,05 гектар майдон ва иморатлар М.Аюповага доимий фойдаланиш учун берилсин, дейилади. Ана шу қарор асосида мулкдорга

жатларга қаратсак. Бунда ҳам дастлабки ишлар далолатнома тузишдан бошланган. Жорий йилнинг биринчи мартдаги далолатномага кўра уни тузувчилар М.Аюповага 1,05 гектар ер майдонини бириктириб бериш ҳақидаги туман ҳокимининг 160-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаш ва мулкдорга 0,0919 гектар ер майдонини бириктириб беришни туман ҳокимидан сўрайдилар. Ўз навбатида туман ҳокимининг янги 190-сонли қарори билан далолатнома тасдиқланади. Ҳужжатлар билан танишар эканмиз, турли хилдаги ноаниқликларга дуч келамиз. Мисол учун фермани мулкдорга бириктириб бе-

латномада қатнашиб ўзининг дастлабки ҳаракатларини инкор этади. Яъни у иккинчи имзоси билан биринчи далолатномада хатога йўл қўйганлигини тан олгандай бўлади. Агарда мутахассиснинг фикрига қўшилди, бу бўлса, қолган 6 иштирокчининг ҳам хатони мутлақо пайқамай қолиши ажабланарли ҳолдир.

М.Аюпованинг аризасига кўра, Адлия вазирлиги мутахассислари масалани жойига чиқиб ўрганишди. Текшириш натижаларига асосан вазирлик Тошкент вилояти адлия бошқармасига М.Аюпованинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаб бериш ҳамда етказилган 250

тади. Лекин иш туман судида кўрилиш жараёнида даъвогар, яъни вилоят адлия бошқармаси ўз даъвосидан воз кечади. Суд эса ушбу фуқаролик ишини даъвогарнинг кейинги талабига биноан кўрмасдан қолдиради.

Мулкдор жумбоқ ичида қолиб кетади. Сабаби, у тортишув бўлаётган ернинг на хўжаликка, на ўзига тегишли эканлигини аниқлай олмай қолади. Худди шу ўй-хаёл иккинчи томон — хўжалик раисини ҳам ўйлантириб қўяди. Ахир рингга чиққан боксчининг бири судьянинг ҳисоб-китобига кўра энгилиши керак-да. Уларда эса бундай бўлмади. Мавлоно Муқимий айтганларидек «... ўрта-

да сарсон илик».

Аюпова вилоят ҳокимлигига ариза билан мурожаат этади. Кўп ўтмасдан яъни 7 июл 2000 йили жавоб ҳам келиб қолади. Унда айтилишича, масала жойига чиқиб ўрганилган. Урганиш жараёнида М.Аюпова юз фоиз ҳақ бўлиб, хўжалик раиси ноқонуний ҳаракат қилганлиги аниқланади. Шу туфайли ҳокимлик мутасаддиси муаммони ҳал этишда судга мурожаат қилишни тавсия этади.

Орадан бироз вақт ўтгач, аниқроғи 29 августда мулкдор вилоят ҳокимлигига такроран мурожаат этиб, масалани имкон қадар ўзлари ҳал қилиб беришларини сўрайди. Унга 20 сентябр 2000 йилда берилган жавоб эса Аюповани ниҳоятда таажублантириб қўяди. Нимага деганда бу галги жавоб аввалгисининг акси бўлиб, ўзининг қонунбузарлиги баён этилиб, раис ҳақ эканлиги ёзилганди. Масаланинг муҳим жиҳати, ёзилган ҳар иккала жавоб хатини ҳам бир шахс имзолаганди.

— Мен ҳақман. Бунга етарли даражада асосларим бор, — дейди раис. — Агарда қонунни бузганимда ерни аллақачон унга олиб берган бўлишарди.

— Ерга мен эгаллик қилишим керак. Чунки расмий ҳужжатларим, тегишли идораларнинг ҳақлигимни тасдиқловчи жавоб мактублари бор, — дейди М.Аюпова. — Ахир бу жой экин экиб ҳосил оладиган ер эмас, балки сотиб олган шахсий ферманнинг ҳовлиси эканлигини инобатга олинмаслигини қандай тушуниш мумкин?

Воқеалар йўналиши билан танишиб, айтмоқчимизки, масалани суд ҳал қилади. Фақат аввалига М.Аюповани ҳимоя қилиб, сўнгра ўз сўзидан қайтган Тошкент вилоят ҳокимияти ҳамда вилоят адлия бошқармаси мутасаддиларини бутунги нуқтан назарларидан ҳайронлигимизни ҳам айтиб қўймоқчимиз.

Эркин МАВЛОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СИФАТ ВА МУСТАҲКАМЛИКНИ АФЗАЛ КЎРАДИغانлар учун

КУЛАЙЛИКНИ ҲИС ЭТИНГ

Space

CLASS

МЕТАЛЛОПЛАСТИКДАН
ЭШИК ВА РОМ
ТИЗИМЛАРИ




Чегирмаларнинг қулай усуллари

Немисча сифат кафолати

UCD Group

Тел.: 132-07-21, 132-07-14 + E-mail: okna@ucd.uz
Манзил: С.Азимов к., 72а. http://www.ucd.uz



сурхан ажанга фарма лимитед

қуйидаги дори-дармонларни савдога чиқаради:



- "Апциллин-500", капсулалар, №10 (Ампициллин 500 мг)
- "Апциклин-250", капсулалар, №10 (Тетрациклин 250 мг)
- "Апмицин-40", ампулалар, №10 (Гентамицин сульфат 40мг/2мл)
- "Апмицин-80", ампулалар, №10 (Гентамицин сульфат 80мг/2мл)
- "Апальгин-500", ампулалар, №10 (Анальгин 500мг/1 мл)
- "Аплагин-500", ампулалар, №10 (Витамин В12)
- "Апальгин", таблеткалар, №10 (оврикни қолдирувчи восита)
- "Тибинил Р-150", капсулалар, №10 (Рифампицин 150 мг)
- "Тибинил Р-300", капсулалар, №10 (Рифампицин 300 мг)
- "Тримол", таблеткалар, №10 (оврикни қолдирувчи восита)



Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 54.

Маълумот учун телефонлар:
(3712) 56-75-84, 56-75-89, 152-34-91.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ

ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ИССИҚ-КЎЛ»
КЎЛИ БЎЙИДА ЖОЙЛАШГАН «ЮБИЛЕЙНЫЙ»
ПАНСИОНАТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТЕНДЕР ШАРТЛАРИ:

1. Тендерда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ низомига асосан фаолият кўрсатувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, ҳамда битимлар ва давлатлараро бошқа шартномалар бўйича тузилган ёки халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланувчи халқаро ташкилотлар қатнашиши мумкин.
2. Инвестор сотилаётган пансионатнинг бутун қийматини Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўлаш шарт. Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан сотиб олинган тақдирда эркин муомаладаги валютада тўланиши шарт.
3. Савдонинг аниқ шартлари муайян инвесторга тақдим этилади.
4. Тендерда иштирок этиш учун аризалар ушбу эълон чоп этилгандан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Мурожаатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, 411-хона (4-қavat).
Чет эллардаги давлат мулки ишлари бошқармаси,
тел/факс: 139-20-81, ички телефон: 2081.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«XXI АСР»

деб аталган қисқа муддатли омонатни
таклиф этади

Омонатга пул 2000 йил 16 октябрдан 31 декабргача қабул қилиниб,
йилига 75% фойда тўланади (фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилади)

Омонатни сақлаш муддати 2001 йил 5 январгача

«Сўм карточкаси» омонати
(пластик карточка қўлланадиган)
сўм карточкаси эгаларига ҳаёт ва саломатликни
бекул суғурталаш имкони берилади

- йилига 36% фойда тўланади, ҳар
ойда талаб қилиб олинмаган фоизлар
капиталлаштирилиши натижасида
фойда йилига 42,6%ни ташкил этади

Шунингдек, муддатли омонатларнинг барча турлари бўйича фоиз ставкалари
жорий йилнинг охирига қадар оширилишини ҳам маълум қилади:

«Таътил» омонати (талаб қилиб олинмаган
ҳисобварақларга доир шартномалар ўз-ўзидан
давом эттириладиган, 3 ой муддатли).

- йилига 48%, ҳар ойда капитал-
лаштирилганида йилига - 60%

«Оқсоқол», «Меҳрибон она» (1 йил муддатли)

- йилига 37%

«Тўёна» (2 йил муддатли)

- йилига 42%

«Сарпо» (3 йил муддатли)

- йилига 43%

«Келажак» (камида 5 йил муддатли)

- йилига 36%


«Янги авлод» (муддати 2001 йил 3 январгача)

(МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича).
- йилига 48%

«Муддатли» (5 йил муддатли)

- йилига 52%

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз
гаромадлиги ва сақланишига кафолатдир.



Қўшимча маълумот-
ларни Сиз
(998 71) 137-62-83,
137-62-81 рақамли
телефонлар
орқали ёки
«Ўзмилийбанк»нинг
ишталган бўлим ва
филиалидан
олишингиз
мумкин.



ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОРАСИДА ОЖИКЖ –
ЎЗБЕКИСТОН ГРАНТЛАРИ УЧУН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловнинг мақсади: *Маориф соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.*

Танловда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун Очиқ жамият институтига қуйидаги ҳужжат ва материаллар (яъни нуسخада) топширилиши лозим:

1. Қуйидаги маълумотлар келтирилган титул варақа:

- Ташкилот номи.
- Манзил (почта индекси аниқ кўрсатилиши лозим) телефон ва факс рақамлари, ташкилот электрон почта адреси.
- Лойиҳа директори.
- Лойиҳа бажарилиш муддати (12 ойдан ошмаслиги керак).
- Очиқ жамият институтидан сўраладиган маблағ (АҚШ долларарида кўрсатилади).
- Лойиҳанинг умумий қиймати АҚШ долларарида (агар бошқа донорларнинг ҳам мазкур лойиҳада улуши бўлса)

2. Лойиҳанинг баёни (унда қуйидагилар аниқ ифода этилиши керак):

- ✓ Муаммолар
- ✓ Лойиҳа мақсади
- ✓ Лойиҳани амалга ошириш йўллари
- ✓ Лойиҳанинг амалга ошишдан кутилаётган натижалар
- ✓ Лойиҳа бюджети (АҚШ долларарида). Бюджетни жорий этишда ташкилот ҳисобига ўтказиладиган пул маблағлари Марказий Банк томонидан ўша куни белгиланган биржа курси бўйича сўмда бўлиши эътиборга олиниши керак.
- ✓ Лойиҳа натижалари тааллуқли бўлган шахс ва ташкилотлар.

3. Ташкилот Устави нусхаси

4. Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

Очиқ жамият институтига тақдим этиладиган барча ҳужжатлар лойиҳа директори томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан таъдиқланган бўлиши керак.

Танловга тижорат мақсадларини кўзлаган, жаҳолат ҳамда миллатлар ўртасида адоват кўзгатувчи диний, ирқий ва миллий низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган лойиҳалар учун аризалар қабул қилинмайди.

Таълим соҳасидаги долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилган; Бюджети ҳаққоний ифодаланган ва бошқа донорлар томонидан ҳам маблағ билан таъминланадиган; Иқтисодий жиҳатлари ва кутилаётган натижалари асослаб берилган ҳамда грант муддати тугагандан сўнг ҳам ўз-ўзини молия билан таъминлаш имкониятлари кўрсатилган лойиҳалар рағбатлантирилади.

Ҳар бир ташкилотдан фақат битта лойиҳа қабул қилинади. Очиқ жамият институтидан маблағ олиб, илгариги лойиҳаларни тугалламаган ташкилотларга танловда иштирок этишга рухсат этилмайди.

**АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УШБУ ЭЪЛОН ГАЗЕТАДА
ЧОП ЭТИЛГАН КУНДАН БОШЛАНАДИ.**

**АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИНГ СЎНГИ
КУНИ — 2000 ЙИЛ 8 НОЯБР.**

ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИ 2000 ЙИЛ 8 ДЕКАБР КУНИ ЭЪЛОН ЭТИЛАДИ.

**Қўшимча маълумот учун Очиқ жамият институти - Ўзбекистон
ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Аризалар қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим:
Тошкент шаҳри, 700031, Зарбоғ кўчаси, 31-уй.ОЖИКЖ.
Факс: 120-68-54, Тел.: 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16.
E-mail: osi@osi.freenet.uz sayora@osi.uz svetlana@osi.uz**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

• Молия ва кредит, халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерлик ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;

• Чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган;

• Банк тизимида камида 3 йил ишлаган;

• Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган иқтисодчиларни танлов асосида

ИШТА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: 133-49-83, 136-36-79.

КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР

ҚУРТИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН НОВВОЙХОНА
УСКУНАЛАРИ.
МЕВА ВА САБЗАВОТ, МАКАРОН
МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН.

ҲАММОМ ИСИТГИЧИ (САУНА)
МИНГ ХИЛ ДАРДГА ДАВО.

ҲАВО НАМЛАГИЧИ
ХОНАДОН, КАСАЛХОНА
ВА БОҒЧАЛАР УЧУН.

КАЛОРИФЕРЛАР

ҲАР ХИЛ ҚУВВАТДАГИ.

СОЯ СУТИ

НИХРОМ СИМЛАРИНИ,
ВН-1, ВН-2 ВЕНТИЛЯТОРЛАРИНИ
ТЕЛ. (3712) 793854, 792523, 791570, 791429.

ХХ «Бошқоммунгаз» бош бошқармасига қарашли Ҳамза тумани, 3. Шамсутдинова кўчаси, 72 жойлашган «АТП МКО» автокорхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

ОКПО коди: 0496403

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 59-А уй, «Тошгаз» шаҳар бошқармаси.

ТРИМОЛ

БОШ ОҒРИГИ,
МИГРЕНЬ, НЕВРАЛГИЯ,
ТИП ОҒРИГИ,
ШАМОЛДАН (ЮҚОРИ
ҲАВОРАТ
БЎЛАН)



ДОРИХОНАЛАРДАН
СЎРАНГ

Харидорлар учун баҳоси — 225 сўм.

ОҒРИҚ

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

АПАЛЬГИН

(500 мг аналгин) оғриққа қарши куч

Ўт сафро (буйракдаги),
ошқозон-ичак
оғриқларида самарали
дори



АСПАЛЬГИН

Бу дори кучли
оғриқни босади



ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

«Афсонавий Рустам Темур Маликка хизматкорликка ҳам ярамасди»

1219 йилнинг машғум сентябр ойи. Шунинг учун машғумки, худди шу ойда кейинчалик дунёга мўғул жаҳонгири деб ном таратган Чингизхон 150 минглик йирик қўшин билан Мовароуннахрга истилочилиқ урушини бошлади. Хоразмшоҳлар давлатининг энг шарқий сарҳадидаги Утрор шаҳри эса Чингизхоннинг биринчи ҳамласига дуч келди.

Мўғуллар Мовароуннахр шаҳарларини таажжубланарли тарзда бирин-кетин, тезлик билан эгаллаш бошлади. Аммо аслини айтганда, таажжубли ҳолатнинг ўзи ҳам йўқ эди. Чунки Чингизхоннинг бундай муваффақиятига Хоразмшоҳнинг доводираб қолганлиги йўл очган эди. Маълумки, у ўзининг улкан ҳарбий кучини ёғийга қарши бир мушт қилиб бирлаштириш ўрнига, Мовароуннахрдаги ҳар бир шаҳар ва қалъа ўзини-ўзи душмандан ҳимоя қилсин, деб амр-фармон қилган эди. Алоуддин Муҳаммаднинг бундай фармонидан Чингизхон ўз айғоқчилари орқали тўла хабардор бўлиб, бўлажак улкан ҳужум режасини гоянда пухталиқ билан тузди. У Хоразмшоҳнинг майда гуруҳларга бўлиниб, ожизлантириб қўйган ҳарбий кучини қийналмасдан ҳалокатга юз туттира бошлади.

Бироқ, Туронзамин аҳли Хоразмшоҳнинг йўл қўйган хатоларини ўз матонати, беқиёс жасорати билан тузатишга уринди. Шаҳарлар ва қалъалар аҳолиси мўғулларнинг мунтазам, кучли ҳарбий тайёргарлик мактабидан ўтган, шиддатли ва бешафқат қўшинига қарши омонсиз жангга чиқди. Ҳар икки томондан кўрилган талофотларнинг ҳисоби бўлмади. Ҳар бир қарич ер учун жон бериб, жон олинди. Айниқса, Бухоро, Гурганж, Хўжанд шаҳарларидаги маҳаллий халқнинг босқинчиларга қарши кураши миллий тарихнинг зарварақларини ташкил этади. Халқ бемисл қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Мўғул истилочиларига қарши кураш буюк халқ қаҳрамонларини майдонга чиқарди. Уларнинг номи, Ватан озодлиги учун фидойилиги асло унутилмайди. Ана шундай қаҳрамонлардан бири Хўжанд баҳодири, моҳир саркарда Темур Маликдир.

Хўжанд шаҳри Утрордан кейин мўғуллар ҳамласига дуч кел-

ларё соҳилидан анча олисда бўлиб, у ерда мўғулларнинг камон ўқлари етмас, нафтандозларнинг оловли ўқлари ҳам иш бермас эди. Шу боисдан, мўғул лашкарбошилари 50 минглик асир ҳайрчи қисмларга дарёга тош ташлаб тўғон қуришни буюрди. Аммо Темур Малик навкарлари тунда қайиқда сузиб келиб, мўғулларнинг кундузи қилинган ҳамма ишларини барбод этиб, тўғонни бузиб кетарди. Жувайнийнинг ёзишича, Темур Малик буйруғи билан 12 та кеманинг усти нам кигиз билан ўралиб, кейин лой ва сирка қўшиб сувалган, шу сабабли душманнинг ёндирувчи ўқлари ҳам бу қайиқларга шикаст етказа олмас эди.

Бироқ душман дарёнинг ҳар икки соҳилини ўраб олган, ўқдори ва озиқ-овқат камайиб бормоқда эди. Шундай кейин Темур

Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Янгикент шаҳрини тортиб олди. Бироқ Темур Маликнинг зафарли юриши унинг ва Хоразмшоҳнинг бошқа лашкарбошилари ўртасида кураш режасини тузишда яқдиллик бўлмаганлиги сабабли, тўхтаб қолди. Темур Малик Хоразмга қайтишга мажбур бўлди.

1221 йилнинг қишида шаҳзода Жалолоддин Мангуберди отаси Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг фармони билан янги Хоразмшоҳ деб эълон қилинди. Лекин Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун тарафдорлари ва бошқа шаҳзолалар ушбу фармонни бажаришдан бош тортдилар. Гурганж аҳли ва Темур Малик эса Жалолоддин тарафида эди. Бироқ Туркон хотун хомийлигидаги

санинг қўлида ногаҳон ўлим топди.

Жалолоддин Мангуберди ўлдирилгач (1231 йил), Темур Малик ўз юртига қайтди. Лекин парокандаликка учраган аҳолини мўғулларга қарши кўтаришнинг иложи бўлмади. Ниҳоят, у тақдирга тан бериб, қоон (улуғ хон) ўрдасига бораётганида мўғуллар томонидан йўлда тутиб олинди, ўлдирилди.

Мард, довюрак ва моҳир саркарда Темур Маликни мўғул босқинчилари жангда енголмади. Аксинча, ундан сон-саноксиз марта талофотлар кўрди. Унинг ўлимига Хоразмшоҳлар давлатидаги тартибсизлик, парокандалик, ўзаро ни-

ТЕМУР МАЛИК

Миллат шаъни фидойилари

лади. Бунинг устига, яна 50 минг ҳашарчи сафарбар этилди. «Ҳашарчилар» деб аталган бу қисм асир тушган маҳаллий аҳолидан таркиб топтирилган бўлиб, ўн кишилиқ, юз кишилиқ ва минг кишилиқ бўлинмаларга ажратилган ҳамда мўғул ҳарбийлари бошчилигида ҳаракатланган эди. Ҳашарчилар қамалда ҳаммоллик ишларини бажарар, қурул-яроғ ва бошқа лаш-лушларни ташир, ҳужум пайтида эса мўғул лашкарларининг олдинги қисмига ниқоб бўлар ва табиийки, мудофаада турганларнинг энг қақшатқич зарбаларига аввало худди шу ҳашарчилар дуч келарди. М а б о д о

Малик 70 та кема тайёрлатди ва уларга отлар, қурул-яроғлар, озиқ-овқатларни юклаб, қолган навкарларини олиб, тунда душман машаалалари ёруғида, дарёнинг ҳар икки соҳилида калхатдай изғиб юрган мўғулларнинг камон ўқлари-ю, ичи ёнилғига тўлдирлиб, озғидаги пилтаси ёндириб итқитиладиган идишлар «ёмғири» остида, дарё оқими бўйлаб сузиб кетди.

Хўжанд баҳодири душман орасидан катта талофотлар билан ўтиб, Банокатга етиб келди. Бу ерда мўғуллар уларнинг кемаларини тўхтатиш учун дарё йўлини темир занжирлар билан занжирлаб қўйган эди. Темур Малик иш-иттиларни бу занжирни узиб ташлашга муваффақ бўлдилар ҳамда Утрор, Сиғноқ ва Жанд шаҳарлари томон сузиб бораверди. Бироқ, Барчинликент шаҳрида улар душманнинг янада хатарлироқ тўсиғига дуч келди. Бу ерда дарё устида кўпгина қайиқлар занжирлар билан бир-бирига туташтирилиб, кўприк ҳолига келтирилган ва уларда лак-лак мўғуллар қурулларини шай қилиб, Темур Малик кемаларини кутиб турар эди.

Темур Малик душман тўсиғига яқин сузиб бормай, навкарларига қирғоққа чиқишни буюрди. Манбаъларда айтилишича, ана шу ерда юз берган муросасиз жангда унинг барча навкарлари ҳалок бўлиб, яқка ўзи тирик қолади. Уч мўғул суворийси Темур Маликнинг изидан тушади. Лекин Хўжанд баҳодири камондан беҳато ўқ узиб, улардан бирини оғир ярадор қилади. Қолган икки суворийга эса камонини шайлаб туриб, шундай деб ҳайқиради:

— Ўқдонимда икки ўқ қолди. Уларни йўқотгим келмаяпти. Лекин зарурат бўлса, иккалангни даф қилиш учун шу ўқларим етарли. Яхшиси, жонларингни омон сақлаб орқага қайтинг.

Мўғул суворийлари ботинолмай орқага тисарилишди. Темур Малик эса Қизилкумнинг газирама қумликлари орқали азобли йўлни ўтиб Гурганжга эсон-омон етиб келди. Бу 1220 йилнинг ёз ойларида содир бўлди. Бу ерда уни халқ миллий қаҳрамон сифатида кутиб олди. Темур Малик Хоразмда қисқа муддат ичида қайтадан қўшин тўплади ва мўғулларга қарши курашни давом эттирди. Ҳатто Жўчининг лашкарини қарши қақшатқич зарба бериб, ундан

қичпоқ саркардалари ва укаси Ўзлуғшоҳ томонидан уюштирилган фитна оқибатида Жалолоддин ва Темур Малик бир гуруҳ тарафдорлари билан Гурганжни тарк этиб, Хуросонга йўл олишга мажбур бўлдилар. 1221-1231 йиллар мобайнида, яъни ўн йил давомида Жалолоддин Мангуберди билан биргаликда Темур Малик Афғонистонда, Синд дарёси бўйида, Эрон, Ироқ ва Озарбайжонда мўғулларга қарши мардларча курашди. Бир неча йирик жангларда Хоразм лашкарлари мўғулларнинг йирик қўшинларини тор-мор келтирди. Аввал Чингизхон, унинг ўлимидан кейин (1227 йил) ворислари Жалолоддин ва Темур Маликни даф этишни ўзларининг асосий вазифаси деб билидилар.

Агар Хоразмшоҳ лашкарбошилари ва султон Жалолоддинга вассал мамлакатларнинг ҳукмдорлари яқдил бўлганида, мўғулларнинг қонли юришига, эҳти-мол, чек қўйилар эди. Бироқ, ўзаро ихтилофларни улар енгиб ўтолмадилар, охир-оқибатда, Жалолоддин яккаланиб қолди ва ёлғизликда бир қасоскор қурд ким-

фоқ, тахт ва бойлик талашишлар юзага келтирган кўнгилсиз вазият сабабчи бўлди.

Темур Малик салтанатнинг худбин намояндаларидан тамомида фарқ қилар эди. У оташин ватанпарвар, софдил жангчи ва жасур саркарда эди. Унинг бойлиги — Ватан ва унинг кадр-қиммати эди. Унинг учун бундан-да улуғ, бундан-да ноёб неъмат йўқ эди. У шу мақсадда курашди ва юрт босқинчиларига қарши жангларда ўзини аямади.

Орадан асрлар ўтса ҳамки, Темур Малик жасорати ва унинг ёрқин шахсияти инсоният хотирасида эъзозлаб келинмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг янги авлодлари ўзининг барча баҳодир бобокалонлари қаторида Темур Маликнинг номи ва жасоратини ҳам фахр билан ёдлайди. Унинг тўғрисида адабиёт ва санъат асарлари яратилди. Энг муҳими, Темур Маликнинг порлоқ сиймоси қалбларимиз тўрида яшамоқда ва яшайверди.

М. САФАРОВ.

ган истеҳкомлардан эди. Азим Сирдарё бўйидаги шаҳарларни эгаллаш зиммасига тушган Жўчи қўшинининг беш минг кишилиқ зарбдор бир қисми 1219 йилнинг 5 декабр куни Хўжандни қамал остига олди. Шаҳар беш ой мобайнида ёвга таслим бўлмади. Темур Малик бошлиқ шаҳар ҳимоячилари ёғийга сезиларли талофотлар етказди. Шундан кейин Чингизхоннинг ўзи ва унинг кенжа ўғли Тўлуй бошчилигида Бухоро ва Самарқандни эгаллаган улкан қўшиннинг катта бир қисми Хўжандни қамал қилиб турган мўғул қисмларига ёрдамга келди. Темур Малик шаҳар ҳимоясини мустаҳкам ташкил этган эди. Шаҳар ичида қурул-яроғ, озиқ-овқат етарли ғамланди. Бунга қадар у дарё ўртасидаги ороллардан бирида қалъа қурдириб қўйган эди. Бу қалъага шаҳарнинг Сирдарё соҳилига туташ орқа томонидан ўтилар, шаҳарнинг қолган уч томонини мўғулларнинг катта қўшини чигирткадай қурашаган эди.

Хўжанднинг беш ой мобайнида таслим бўлмаганидан ғашланган Чингизхон 20 мингли қўшинини унинг атрофига таш-

чекинишса, орқада турган мўғуллар уларни шафқатсиз қирар эди. Шу боисдан, икки ўт орасида қолган «ҳашарчи» қисмларнинг олдинга ташланишдан ва мўғуллар ҳужумининг зарбдор қисми бўлишдан ўзга иложи қолмасди.

Шундай қилиб, 70 минг кишилиқ улкан қўшин бўйсунмас Хўжанд шаҳрига ёпирилган эди. Ёғий манжанақлар, нафтандозлар ва девортешар қурулларни ёппасига ишга солиб ҳужумни кучайтирди. Ёв қўшини ашаддийлаш-гач, оғир аҳволда қолган Темур Малик шаҳар аҳолисини қирғиндан сақлаб қолиш ва ёвни чалғитиш мақсадида минг нафар энг асл навкарлари билан 1220 йилнинг апрелида Сирдарё бағрида ўзи барпо этган ўша истеҳкомга кўчиб ўтиб, курашни давом эттирди. 70 минг кишилиқ қўшинга минг кишилиқ бу жасур гуруҳнинг кўрсатган матонатли қаршилиги тилларда дoston бўлди. Шу боисдан ўша даврнинг машҳур тарихчиси Алоуддин Отамалик Жувайний «Афсонавий Рустам Темур Маликка хизматкорликка ҳам ярамасди» деган мубоалағи таърифни китобида битиб қолдирган.

Темур Малик ўз йигитлари билан мудофаада турган орол

Ташкилот Тошкент шаҳридаги омбордан қуйидаги янги техникалар

трактор Т-30 (Владимир)

трактор ЛТЗ (Липецк)

трактор МТЗ (Минск)

ва КФМ, КФО-2 русумидаги 12290-89 ГОСТли «Косинская бумажная фабрика» ОТАЖ (Россия Федерацияси) да ишлаб чиқарилган озуқа суюқликларини ФИЛЬТРЛОВЧИ КАРТОННИ таклиф этади.

Бизнинг телефонлар/факс: (3712) 54-96-11, 54-69-13, 54-96-40

Ойнаи жаҳонда

ЖУМА 3

YOSHLAR

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 Марказий газеталар шарҳи
8.55 «Ёр ва диёр тароналари»
9.20 ТВ-метео
9.30 «Ўзбектеlevision» намойиши

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Бинафша» ашула ва ракс дастаси.

(рус тилида)
9.20 «Омад» тележурнали.
9.40-11.40 Киноингоҳ. «Сўнги қахрамон».

РЖТ
6.30-8.00
14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕИСИ.

зета.
18.35 «Сейлормун». Мультсериал.
19.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.

6.00 «Хайрли тонг!»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 1.15 Янгиликлар.

10.00 «Манузла» телесериали.
11.30 «Санта-Барбара» телесериали.

8.00, 9.00, 15.00 «Кундан-кунга»
8.45, 20.35, 0.45, 3.55 Йўл назорати.

8.30, 18.50 «Криминал».
8.55 Сериал соати. «Тез ёрдам» сериали.

9.00, 19.10 «Ўн гул» мультсериали.
9.30 «Бабар» мультсериали.

атлар» ток-шоуси.
11.25, 1.45 Петровка, 38.
11.35, 22.40 «Ҳаёт икки-чирлари» телесериали.

5.00, 13.30 «Хайвонлар оламида тўполон» мультсериали.

ШАНБА 4

YOSHLAR

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 Марказий газеталар шарҳи
8.50 «Муқаддас буюнлар». Телевизиолик дастури.

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» тунги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Имтиҳон».

10.50 2000 йил - Соғлом авлод йили.
«Спорт-тайм».
11.10 «Экспресс» телегазетаси.

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «СНН-шоу».
9.20 «Инглиз тили Сиз учун».

18.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телехабар». Фойдали газета. Метеохабар.

6.00 «Хайрли тонг!»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 1.50 Янгиликлар.

12.30 Кундузги экран. «Аёл қалби нимани истайди».

8.50 «ТВ-6 кинотеатри». «Хэллоуин» триллери.


11.00 «Пахлавон худбин» мультфильми.

10.00 Мусикий канал.
10.30, 18.45 «Ўн гул» мультсериали.

11.15 Киноканикуллар. «Мария, Мирабела Транзисторияда» мусикий эртаги.

5.00, 13.30 «Хайвонлар оламида тўполон» мультсериали.

ХАЛҚ СЎЗИ



Шарқ ва Ғарб кўприги

Беназир Бхуттонинг ташвишлари

Покистонда собиқ Бош вазир Беназир Бхутто ҳамда унинг турмуш ўртоғи Асиф Али Зардариининг бойлиги ҳақида янги маълумот эълон қилинди. Уларнинг бойлиги айни пайтда бир ярим миллиард АҚШ долларига тенг экан.

Ҳукуматнинг порахўрликка қарши кураш мақсадида ташкил этган Миллий назорат бюроси тарқатган маълумотда айтилишича, Беназир Бхутто хонадони мамлакатдаги ийрик экин майдонларидан ташқари Швейцария, Бирлашган Араб Амирликлари, Франция, Буюк Британия ва АҚШда кўчмас мулкларга ҳам эга. Шунингдек, уларнинг 26 та мамлакатда банк ҳисоблари мавжуд. Шундай бўлса-да, Бхуттолар оиласи ўтган йили бор-йўғи 300 минг АҚШ доллари миқдоридан солиқ тўлаган. Агар собиқ Бош вазирнинг солиқ тўлашда ноқонунийликка йўл қўйгани исботланса, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиши мумкин, дейилади мазкур хабарда.

Айни пайтда Беназир Бхутто ихтиёрий равишда муҳожириликда яшамокда. Турмуш ўртоғи эса порахўрликда айбланиб, қамоқхонада ўтирибди.

Олбрайт илтифот кўрсатди

АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг кунни кеча Шимолий Кореяга қилган ташрифи халқаро майдонда ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Ташриф сўнггида АҚШ томонидан уюштирилган зиёфат оқшомида Мадлен Олбрайт ҳақиқий уй бекаси вазифини бажарди. Яъни, Шимолий Корея давлат раҳбарларини турли таомлар билан сийлади.

АҚШ билан Шимолий Корея давлатлари ўртасида маълум вақт совуқчилик тушган эди. Чунки 1950-57 йилларда бўлиб ўтган Корея яриморали урушида АҚШ Жақубий Корея томонидан уруш олиб борган эди. Сўнгра ярашув битими имзоланди. Ҳозирда икки мамлакат ўртасида тинчлик битими имзоланиш арафасида турибди.

Иличнинг дардини ким эшитади?

Югославиянинг Чачак шаҳри ҳокими Велимир Илич ўзини Сербия президентлигига муҳолифат томонидан ягона номзод бўлиши керак эди, деб ҳисобламоқда. Унинг айтишича, 5 октябр воқеаларида Югославия парламенти биносини эгаллашни ташкил қилган. Гарчи, Велимир Илич Қишки саройини штурм қилиш режасининг муаллифи бўлмаса-да, у парламент, телевидение ва Белград ички ишлар бошқармаси биносини эгаллаш режасини ишлаб чиққан экан. Бироқ Чачак шаҳри мэрининг хизматлари Югославия жамоатчилиги эътиборидан четда қолмоқда. Шу сабабми, ҳоким ўзини камситилгандек ҳис қилмоқда.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Ёдингизда бўлса, 1993 йил Брюсселда ТРАСЕКА миқёсидаги амалий ҳаракатларга асос солинди. Ушанда Европа комиссияси томонидан Марказий Осиё, Кавказ ва Европа Иттифоқига кирган мамлакатлар вакиллари иштирокидаги анжуманда янги мустақил давлатлар (шу жумладан Ўзбекистон)нинг жаҳон иқтисодига интеграциялашуви масалалари муҳокама этилди. Табиийки, транспорт ва коммуникациялар тизимини ривожлантириш бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Чунки шу пайтгача мавжуд бўлган йўл Россия орқали ўтар ва бу биз учун анча қимматга тушаётган эди.

Шу боис Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини Кавказ ва Европа мамлакатлари билан ҳар томонлама кенгайтириш режалари тузилди. Бу эса биринчи гада минтақанинг бой табиий заҳираларидан, энергетика ва сув манбаларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть тармоқларини барпо этиш, экологик муамоларни ҳал қилиш каби соҳаларга тегишли аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш борасида куч ва имкониятларни бирлаштиради. Қолаверса, ТРАСЕКА ва ГУҶОМ миқёсидаги дастурларнинг амалга оширилиши Марказий Осиёдаги барча халқларнинг манфаатларига мос келиши шубҳасиз. Бундан ташқари, ТРАСЕКА лойиҳаси рўёбга чиқиши билан мўлжалланган минтақа орқали йилнинг тўрт фаслида ҳаракат қилса бўлади. ТРАСЕКА ёш мустақил давлатларнинг тежамкорлиги, умуман иқтисодиёти учун ҳам фойдалидир. Масалан, Украина портларига Қозоғистон ва Россия орқали бир тонна пахтаминини ташиниш 100 доллардан кўпроққа тўғри келаётган бўлса, ушбу йўл орқали 55 долларга ҳам тушмаслиги мумкин. Табиийки, дастурнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, ушбу дастур негизидаги ҳамкор-

лик бутун минтақанинг кучли ижтимоий-иқтисодий юксалишига асос яратиши мумкин.

Шундай қилиб, асрлар мобайнида Шарқни Ғарб билан, Ғарбни Шарқ билан боғлаган, тарихда турли номлар олган «Лазурифт йўли», «Шоҳ йўли», «Буюк ипак йўли» бугун машҳур ТРАСЕКА дастурида қайта бунёд бўлаёпти. Мазкур дастур йирик халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки томонидан юқори баҳоланди. Европа Иттифоқи ва бир қанча халқаро ташкилотлар минтақамизга кенг транспорт йўли очадиган бу йўналишни ривожлантиришга юқори баҳо бермоқдалар. Лойиҳа асосидаги транспорт коммуникацияларининг тўлиқ ишга туширилиши натижасида ҳозир шимолий йўналишда бўлган масофани 2 минг километрга қисқартириш имкони яратилади.

Бугунги кунда дунёдаги 50 дан ортиқ мамлакатлар ТРАСЕКА йўлига орқали ўз маҳсулотларини олиб ўтмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилишида иштирок этмоқчи бўлган давлатлар сони ҳам ортиб бораёпти. Бу борда 1998 йил 7-8 сентябр кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуманнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш муҳим. Боку анжума-

ни мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги дастлабки йирик халқаро маслаҳатлашув кенгаши бўлди.


Масаланинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларига тўхталсак. Гап Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳақида бораётган экан, ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш Ўзбекистон учун ҳам ҳаётий эҳтиёж эканлигини чуқур англаш зарур. Бу йўл 2000 йилдан кўпроқ давр мобайнида Шарқ билан Ғарбни савдо-иқтисодий ришталари билан боғлаб, мазкур маконда яшовчи халқларнинг маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлади. Буюк Ипак йўлини тиклаш гоёси кимнингдир ёки бирор бир давлатнинг фаолияти маҳсули эмас, балки, бу — замоннинг ҳаётий зарурати. Қадимги дунёда ҳаёт кишиларни фақатгина савдо-сотиқ учун эмас, балки иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш учун ҳам энг яқин йўللари излашга мажбур қилган. Бугунги замон ҳам шундай тақозо этмоқда. Модомики шундай экан, дунёвий жараёнлар глобаллашадиган, турли давлатлар ва минтақаларнинг ўзаро интеграциялашув жараёнлари тезлашадиган бир даврда Осиё ва Европани боғловчи кўприкни қайта тиклашга бўлган интилиш табиий ҳолдир.

Ўзбекистон ва бошқа қатор минтақамиз давлатлари бевосита денгиз коммуникацияларига олиб

чиқадиган йўллар йўқ бўлган шароитнинг нақадар мураккаб эканини чуқур ҳис қилади. ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга оширилиши денгиз йўлига эга бўлмаган мамлакатлар қаршисида Транс-европа ва Транс-Осиё транспорт тармоқлари билан боғланиш учун муқобил ва барқарор имконият очади. Лойиҳанинг яна бир ютуғи шундаки, ўз маҳсулотларининг Кавказорти ва Марказий Осиёнинг улкан бозорларига кириб келишни истайдиган Европа мамлакатлари учун ҳам мазкур дастур бирдек манфаатлидир. Ёки Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар шаҳарларидан ўтадиган транспорт йўналиши тарихан шаклланган Буюк Ипак йўлининг узвий бир қисми бўлиб, у Европани улкан Тинч океани ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган энг яқин йўлдир.

Бир сўз билан айтганда, ТРАСЕКА Европадаги мамлакатларни Марказий Осиё, умуман Осиё минтақаси билан боғлайдиган, яъни энг аввало, ўзининг самардорлиги билан эътиборни тортиши лозим бўлган муқобил транспорт коммуникацияларидан бирига айланадиган кўприқдир. Машриқ ва Мағрибни бир-бири билан энг қисқа йўналиш бўйича боғловчи ушбу йўл бутун жаҳон иқтисодиётига юксалтиришга хизмат қилади.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.



Туркия кишининг чинакам ҳайратига сабаб бўлгувчи гўзал мамлакат. Қадим даврга мансуб мухташам бинолари, баҳайбат тоғлари, чексиз ўрмонлари, боғу саҳроси бор мафтункор юрт. Бу мамлакат сизни нафақат гўзалликлар, балки тараққий этган саноати, бой ва обод шаҳарлари, денгизлари билан ҳам ўзига оҳанрабодек чорлайверади. Шу кунларда эса қардош турк диёрида байрам насимлари кезмоқда. Улар эртага мамлакат мустақиллигининг 77 йиллигини нишонлашади.

VARI-MT

Қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик кичик техникаси

VARI фирмасининг қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик учун чиқарган кичик ҳажмдаги техникаси фермерларга ва боғбонларга битта техника воситаси билан, ҳамда ўзаро алмашадиган қўшимча мосламалар билан, ҳар ҳил ишларни бажариш имконини беради. Ҳеч қандай қийинчиликсиз бир соат вақт ичида 1 гектаргача ер майдонига ишлов бериш мумкин, бунинг учун фақат 0,8 л ёнилғи ишлатилади. "HONDA" мотори ва Т-20 (Чехия) узатиш қутиси ўрнатилган техника воситасига бир йил кафолат берамиз.

Бизнинг манзил: Тошкент, ш. Уста Шириқ кўчаси, 136-уй. (Мўлжал: «Ўзметалсавдо» ОХЖ базаси). тел.: 48-30-64, факс: 48-08-928.



Сақич эмас, витамин зарур

Велосипедда ҳажга бориш мумкинми?

Лев Толстойнинг бир кичик ҳикояси бор. Унда айтилишича, шаҳар ўртасида пайдо бўлиб қолган улкан харсангтошни йўқ қилишолмай ҳаммининг боши қолади. Шаҳар ҳокими ахирги бу тошни йўқ қилган одамга катта мукофот ваъда қилади. Не-не муҳандису олимлар бош қотириб, бу мушкулотни ҳал қилишолмайди. Шунда бир оддий мужик — деҳқон келиб, бу ишни ёлғиз ўзи удаллашини айтади. Бошқалар унинг устидан кулади. Деҳқон бўлса белкурагини олиб, харсангтош биқинидан катта ўра қазийди ва тошни унга ағдариб, устидан тупроқ тортиб, текислаб кўяди.

Бу саволга куйидаги мақолани ўқиб жавоб топасиз

чорраҳаларда автомобиллар тирбанд бўлиб қолганда манзилга велосипедда тезроқ етиб олишда эмас! Хориждаги айрим таниқли тадбиркор-ишбилармонлар велосипедни XXI аср транспорт тизимида устувор аҳамият касб этажагини башорат қилмоқдалар. Худди шундай фикрни баён

қиш-қировли кунларда велосипедда юриш мумкин эмасдек туюлади.

Сир эмас, велосипед одамзот яратган энг буюк ихтиролардан бири. Беҳуда, фойдасиз иш билан шуғулланувчиларга нисбатан «қайтадан велосипед ихтиро этма!» дейилиши ҳам бежиз эмас. Аммо тараққиёт, ривожланиш бор экан, одамзот ана ўша ихтиро этилган велосипеднинг ўзиниям қайта-қайта ихтиро қилмоқда. Натижада ҳар қандай об-ҳавода ҳам бемалол юрса бўлаверадиган, кабинали, ҳар хил қулайликларга эга велоавтомобиллар яратилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги аҳвали, ўтиш даври қийинчиликлари ва халқнинг харид қилиш имконияти туфайли автомобиль сотиб олишга ҳаммининг ҳам қурби етавермайди. Қолаверса, ёқилгининг ўзи ҳам арзон эмас. Маошларимизнинг салмоқли улуши йўл ҳақида кетаётгани ҳам сир эмас. Булар масаланинг иқтисодий томони.

Энди, дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, ҳеч қандай пулга сотилмайдиган, аммо биз ҳамма вақт ҳам қадрлайвермайдиган бебаҳо бир бойлик ҳам бор. У — саломатликдир!

Ҳўш, велосипеднинг саломатликка нима алоқаси бор дейсизми? Бевосита алоқаси бор! Машҳур шифокор олимларнинг яқдиллик билан таъкидлашларича, ҳозирги даврда кўп учраётган касалликларнинг асосий сабабларидан бири — гиподинамия, яъни камҳаракатликдир. Айниқса, шаҳарда, «дом»ларда яшайдиган, жисмоний меҳнат қилмайдиган, эртадан кечгача иш столида муқим ўтириб ишлайдиган кишилар учун камҳаракатлик кони зиён! Бу кемтикни табиий равишда тўлдириши мумкин бўлган муҳим воситалардан бири, шубҳасиз велосипеддир!

Ҳаётнинг ўзи ҳаракатни тақозо этади. Дунёда биронта ҳам ялқов узоқ яшамаган. Айтишларича, японлар бир кунда ўн минг кадам юрмагунча («шагомер» деган ўлчагич бўларкан) уйга киришмас экан. Шу боис японлар дунёда энг умри узок миллат ҳисобланади.

Велосипеднинг яна бир афзаллиги экология билан боғлиқдир. Шаҳар ҳавосининг ифлосланишида транспорт воситаларининг «ҳиссаси»ни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Тоза ҳавода ўпкамизни тўлдириб нафас олиб, «тутун» чиқармасдан велосипедда юрганга нима етсин!

Шу ўринда ҳал қилиниши зарур бўлган яна бир масала — велосипедчилар учун шартшароитнинг, махсус йўл ва йўлакларнинг яратилиши ҳам муҳимдир. Бизнинг ҳозирги йўлларда велосипед ҳайдаш жуда хавфли


Тўғри, ҳар қандай эзгу, хайрли ишнинг йўлида ҳам кутилмаган муаммолар, тўсиқ ва ғовлар бўлиши табиий. Шундай экан, ишлаб чиқарган автомобилни сотиши, нефть маҳсулотларини пуллаши, кўча ҳаракатини бошқариши лозим бўлган ишбилармонлар, корчалон-амалдорларнинг велосипедни оммалаштириш ҳаракатини қўллаб-қувватлашига умид қилиш мушкулдек туюлади. Аммо кўнгилга таскин-тасалли бергучи бир умид-илинж бор: у ҳам бўлса Президентимизнинг спорт ишларига, соғлом турмуш тарзига бераётган улкан эътиборидир. Зеро, 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бу саъй-ҳаракатлар, гамхўрликлар заминида ўз фуқаросини ҳар жиҳатдан баркамол, соғ-саломат қўриш истаги ётгани маълум бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса қилиб айтайдиган бўлсак, ўша алмисоқдан қолган велосипедни ўзимиз учун қайта ихтиро қилайлик, яъни уни ўзимизники қилиб олайлик, унга қайтайлик. (Бу билан биз мутлақо ортга чекинмаймиз, аксинча, кўҳна, оддий ҳақиқатни тан олган бўлаемиз). Шунда бир ўқ билан иккита эмас, бир неча қуённи урамиз. Аниқроғи, тежамкорликка эришамиз, атрофмуҳитни ифлосланишдан асраймиз, бундан ҳам муҳими — соғломроқ бўлаемиз.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, албатта. Кенг жамоатчилик, жумладан, экология ва халқ саломатлиги, турмушимиз фаровонлиги учун бевосита масъул бўлган мутасаддилар, шифокорлар, табиий муолажа (гомеопатия) тарафдорлари, шунингдек, йўлсозлар ва ДАН ходимлари, велосипед ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи sanoatchilar ушбу мақолада кўтарилган муаммага бефарқ қарамайдилар ва бу борада ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирадилар деган умиддамиз.

Муҳтарам муштарий! Сиз бу масалага қандай муносабат билдирасиз?

Шодмон ОТАБЕК.



Инсонга ақлу заковат берилган экан, кўндаланг келган катта-кичик муаммоларнинг ечими ҳам топилаверди. Аммо оддий масалаларни ҳал этиш учун қайтадан велосипед ихтиро қилиш шарт эмас. Дарвоқе, мен айна шу ҳақда, яъни велосипед ҳақида гапирмоқчи эдим.

Эсимда, болалигимда энг катта орзулардан бири — велосипед эди. Отам қари, қора сигиримизни бозорда сотиб, пулига велосипед олиб берганида дунёда мендан бахтли одам бўлмаган. Ҳали-ҳамон кишлоқларда велосипед муҳим транспорт воситаларидан бири ҳисобланади. Унга бир-икки қоп юк ҳам чўт эмас. Машина каби ортиқча харажат-дахмазаси ҳам йўқ.

Ҳоҳ телевизорда Хитой, Вьетнам каби мамлакатларда одамларнинг гавжум ҳолда велосипед миниб юришганини, Ҳиндистондаги велорикшшаларни кўриб қоламиз. Бир қатор Европа мамлакатларида ҳам велосипед оммавий транспорт воситаси ҳисобланади. Масалан, Голландияда ҳар бир кишига биттадан велосипед тўғри келса, иккинчи ўринда бўлган Хитойда эса 2,6 кишига биттадан велосипед тўғри келаркан.

Яқинда марказий газеталардан бирида ўқиб қолдим. Эстонияда бош вазир, пойтахт вице-мэрлари ва бошқа юқори лавозимли раҳбарлар ишга велосипедда боришаркан. Ҳатто бу ерда халқаро автомобилсиз кун махсус нишонлар экан. Юқоридаги мамлакатларда велосипеднинг асосий ҳаракатланиш воситаси сифатида танланиши бежиз эмас, албатта. Мақсад фақат

қилган америкалик машҳур автомобиль эксперти Ли Якокка ўзи яратган «И-Ви глобал» компаниясидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда энг шимариб такомиллашган келажақ велосипедини «ихтиро қилиш»га киришди.

Кўпдан буён ҳаёлимда «Нега энди бизда ҳам велосипедни оммалаштириш мумкин эмас? Ахир бунинг фойдаси, афзаллиги шундоқ аён кўришиб турибди-ку?» деган фикр айланади. Ўзимча, бу масаланинг ечимини ўйлайман.

Шаҳар қулайликларига кўникиб қолган, ширин жонини койитгиси келмайдиган танбаллар, машинаси борлигидан гурурланиб юрадиган мансабдорлар, бойваччалар ўша алмисоқдан қолган велосипедни назар-писанд қилмаслиги мумкин. Айримлар «Энди... ишга велосипедда бориш ноқулайда!» дейишлари турган гап. Бунга жавобан қатъий қилиб айтаманки, велосипедда нафақат ишга, ҳатто ҳажга ҳам бориш мумкин. Дунё бўйлаб кўп кунлик ва кўп йиллик сайёҳатга ҳам чиқиш мумкин. Ватандошларимиз буни амалда исботлашмоқда. «Бундан икки йил муқаддам эллик олти ёшли юртдошимиз Мурод Қосимовнинг велосипедда жаҳон бўйлаб саёҳатга отлангани матбуот саҳифаларида кенг ёритилди. Каттақўрғонлик жаҳонгашта журналист дўстим Мирёқуб Қобиров велосипедда ҳаж сафарига тайёргарлик қўриш мақсадида ўз қишлоғидан Бухорои шарифга бир неча марта велосипедда бориб, намоз ўқиб келгани бор гап.

Айримларга жазирама ёки

Маълумки, юртимиз Тангри сийлаган муқаддас маъво ҳисобланади. Шунинг учун кўпгина хорижий давлатларда Ватанимизни иккинчи жаннат деб билишади. Зеро, улкамизда етиштирилаётган шириндан-шакар мевалар, витаминларга бой сабзавотлар улар учун ҳавасдан бошқа нарса эмас. Ҳўш, шундай экан, баъзи бир касалликлар фарзандларимиз ўртасида нега кўпайиб бормоқда? Саволга жавоб сўрашдан олдин, биз ворисларимизни тўғри овқатлантиряймизми, ана шундай жаннатмақоимизда етиштирилаётган сервитамин мевасабзавотларимиздан фарзандларимиз тўғриб ейишоятгани ёки улар ўрнига фарзандларимиз қўлига чет элдан келтирилган турли-туман безаклар билан ўралган, ёқса қора тутун бўлиб ёнаётган ҳар хил печенье ва конфетларни бериб, уларни ҳам, ўзимизни ҳам алдаб қоримизми, деган саволларга ўзимиз дастлаб жавоб бера оламизми?

Ҳозир кўча-кўйда айрим ота-оналарнинг фарзандлари қўлига тутаетган турли хил чет эл печеньелари, сақичларни кўриб, сўнг ўйлаб қоламан. Шуларнинг пулига қанча мева-чева харид қилиш мумкин? Ҳисоблаб кўрсангиз, буларнинг нархи орасида ер билан осмонча фарқ борлигига амин бўласиз. Ҳўп, шундай экан, нега боламизга арзон мевалар ўрнига қиммат ва сифатсиз егулик олиб берамиз? Нега фарзандларимиз ўртасида қомат бузилиши, скалиоз, ривожланишдан орқала қолиш ҳоллари кўпайган ва бунга ўзимиз айбдор эмасмизми, деб ўйлаб кўрмаймиз?

Муаззам МЕЛИЕВА,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг болалар бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.



Термиз шаҳар шифохонаси базасида ҳам яқинда 140 ўринли шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази қўйта таъмирланиб ишга туширилди. Марказ терапия, реанимация, травматология, хирургия, болалар хирургияси, урогинекология, кўкрак қафаси ва қон томир хирургияси каби 8 бўлимдан иборат. Шифохонада шошилинч тиббий ёрдам учун 20 та «Дамас» тез ёрдам машинаси ажратилган. Бундан ташқари марказда 3 та автореаномобил олиш учун пул ажратилди.

Ҳозирда бу ерда беморларга 50 нафар малакали врач ва 100 дан ортиқ ҳамшира хизмат қилмоқда.



СУРАТЛАРДА: янги шифохонадан лавҳалар.
Искандар Хўжаев (ЎзА) олган суратлар.

«АСАКА»

ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИ

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ ВА ОМОНАТЧИЛАР БАНКИ: МАБЛАГЛАРИ ХИМОЯСИДА

Яқин-яқингача «Асака» банки кредит ресурсларини асосан автомобиль саноати корхоналари, хусусан, «ЎздЭУавто» қўшма корхонасига берар эди. Эндиликда минглаб оддий тадбиркорлар ҳам унинг кредит ресурслари олиш бўйича саноат гиганти — «ЎздЭУавто»нинг рақобатчиларига айланишди. Бу ерда кредитларни расмийлаштириш борасида улар учун ажойиб шароитлар яратилган. «Асака» банки миждозлари бўлмиш тадбиркорлар эса кредитларни имтиёзли шартларда ва кичик фоиз устамаларида олиш имкониятига эгадирлар.

Вадим ГЛАДИЛОВ,
«Народное слово»
шарҳловчиси.

Сўзимизнинг исботи учун баъзи рақамларни келтирсак. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарига 6 миллиард сўмлик, шу жумладан, 340 миллион сўмлик кредит имтиёзли шартларда ажратилди. Эътиборлиси, ана шу 6 миллиард сўмлик кредитнинг бор-йўғи 141,5 миллион сўми бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилди. Бундан ташқари, ўтган ойларда банк томонидан жами 496 миллион сўмлик микрокредитлар ҳам ажратилди.

Юқорида келтирилган рақамлар икки нарсдан далолат беради. Биринчидан, банк тадбиркорлар билан ишлашни яхши йўлга қўйган. Иккинчидан миждозларнинг банкка

нисбатан ишончи янада ошган. Бу эса унинг бутун фаолиятига дарҳол ижобий таъсир кўрсатди: миждозлар сони жорий йилнинг бошидан бери 3 мингга кўпайди. Уларнинг барчаси ўрта ва кичик бизнес вакиллари.

Банкнинг бу борадаги ижобий фаолияти омонатчилар сонининг ҳам ошишига олиб келди. Агар миждоз қўйган ҳар бир омонатнинг ўртача миқдори шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 32,7 сўмга ошганлигини эътиборга оладиган бўлсак, «Бу банк билан улкан ишларни амалга оширсан бўлади», деб бемаълал айтиш мумкин.

Халқаро молия доираларида юксак нуфузга эга бўлган «The Banker» журналининг рейтинг баҳола-рига кўра, 1999 йилги фаолияти бўйича «Асака» банки жаҳоннинг энг яхши 1000 банки ичида 950-ўринни эгаллади.

«Асака» банки хорижий молия институтлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Ҳозирда Европадаги 13 та, Америкадаги 5 та ва Осиёдаги 6 та банк билан вакиллик алоқалари ўрнатилгани, Осиё Банкилари уюшмасининг аъзоси эканлиги фикри-мизнинг далилидир. Айни пайтда у Осиё ва Тинч океани ҳудудидаги мамлакатларни ривожлантириш молия институтлари уюшмасига аъзо бўлиш арафасида турибди. Хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик кўламининг кенгайиши ўз навбатида «Асака» банки миждозлари учун халқаро бозорларга чиқиш, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятларини оширади.

«Асака» банки Ўзбекистон банк хизмати бозорида янги хизмат турларини жорий қилишда ҳам республиканинг илғор банкларидан ҳисобланади. Шундай

хизмат турларидан бири сотиб олинган товар ёки кўрсатилган хизмат учун нақд пул ўрнига нақд-сиз тўловларни амалга ошириш учун пластик карточкаларнинг жорий этилиши бўлди.

Пластик карточкалар дастлаб банк ходимларига ойлик маошларини тўлашда қўлланилган эди. Ҳозир эса банкнинг Тошкент шаҳар бўлимида улар омонатчиларга ҳам берилмоқда. Омонатчи хоҳлаган вақтда келиб, ўз пластик карточкасидаги пулдан истаган миқдорни нақд пул ҳолида олиши мумкин. Ушбу пластик карточка миждоз учун нақд пул, ҳамён ва омонат дафтарчаси вазифасини бажаради. Унинг яна бир афзаллик томони шундаки, омонатчи уни йўқотиб қўйган тақдирда ҳам омонатдаги пули йўқолмайди. Чунки пластик карточкадаги махсус шифр рақамлари туфайли ундаги маблағдан фақат омонатчининг ўзи фойдаланиши мумкин.

Пластик карточкага қўйилган маблағ учун «Асака» банки омонатчиларга йилига 34 дан 39 фоизгача устама ҳақи тўлайди. Омонатчи пластик карточкага қўйган маблағларининг фоиз устамаларини ҳар ойда олаверади.

Пластик карточкаларни кенгроқ татбиқ қилиш мақ-

садида банк савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари билан сотилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловни пластик карточкалар воситасида амалга ошириш ҳақидаги шартномаларни имзоламоқда. Биринчи савдо терминаллари «Ўзавтотех-хизмат»нинг сервис станциялари ва «Mothercare» дўконида ўрнатилган.

Эндиликда шундай янги хизматдан банкнинг республика вилоятларидаги миждозлари ҳам фойдаланиши мумкин. Гап шундаки, унинг барча филиаллари пластик карточка тизимига уланмоқда. Шу йилнинг июль ойида Асака, сентябрь ойида Самарқанд филиаллари биринчилардан бўлиб мазкур тизимга уланган эди.

Айни чоғда банк хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида жойларда ўз филиалларини кўпайтиришга қатъий эътибор бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида Сирғали ва Юнусобод филиаллари очилди. Бугунги кунда эса уларнинг сони жами 22 тага етди. Тез орада банкнинг Андижон шаҳрида Фарҳод, Тошкент шаҳрида Шайхонтоҳур ва Фарғона вилоятида Марғилон филиалларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Республика миждозлари «Асака» банкига ўхшаган ишончли банклар сони кўпайса, мамлакатимиз банк тизими ва иқтисодиёти тобора ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси эса янада яхшиланаверади.

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона корхона

«Лок колор ситтез» КЎШМА КОРХОНАСИ

республикада **ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА** сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.

Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!

ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:

- ✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
- ✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
- ✓ Алкид эмаллари.
- ✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
- ✓ Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
- ✓ L 80, 100, 120 мм.ли михлар.
- ✓ Эмульсия елими.
- ✓ Силикат елими.

САНОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:

- ✓ Универсал алкид бўёқлари.
- ✓ Универсал алкид лаклари.
- ✓ Алкид-уретан эмаллари.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.



Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741, 1918094. Факс: (99871) 191746.
E-mail: lokolor@online.ru.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М. Умаралиевага волидаи муҳтарамаси **Энахон ая УМАРАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси жамоаси Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси Муҳаммадjon Умаралиева онаси **Энахон УМАРАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси жамоаси «Гидромеханизация» таъмирлаш-қурилиш унитар корхонасининг бош муҳандиси **Ханиф ХИСАМОВ**нинг фожиали вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгросуғурта» ДАСК бошқаруви, жамоаси Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш бошқармаси бошлиғи Раҳмат Ҳикматовга ўғли **АЛИШЕР**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликماشлизинг» акционерлик лизинг компанияси жамоаси Қашқадарё вилоят техник маркази бош директори Санжар Турсуновга отаси **Қаҳҳор ТУРСУНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Юлдузлар ва шов-шувлар

Шумахер йил совриндори

Германиядаги АДАС ташкилоти ўтаётган йилнинг мамлакат бўйича энг машҳур спортчиси сифатида Формула-1 пойгалирининг бетакор устаси Михаэл Шумахерни эътироф этди. Жорий йилда ўтказилган йирик пойгалирининг деярли ҳаммасида галаба қозонган пойгачи, сўров борасида энгил етлетика, футбол, қўлчбозлик, гимнастика каби спорт турлари етакчиларини орта қолдирган. Шумахерни тақдирлаш маросими 25 ноябр куни Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтди.



Катта спортдан — катта сиёсатга

Юнон-рум кураши бўйича Олимпиада ўйинларида 3 бор олтин, бир бор кумуш медалларини қўлга киритган россиялик Александр Карелин, ўзининг соврини учун ташкиллаштирилган IX-халқаро турнирнинг очилиш маросимида катта спорт билан хайрлашини маълум қилди.

Асли Новосибирсклик бўлган бу курашчи, эндиги фаолиятини сиёсатда давом эттирмоқчи.

«Темир Майк»нинг муштуми зўр!

Ўтган йили Эвандер Холифилднинг қулогини тишлаб олган Майк бир муддат катта боксдан четлатилган эди. Фақатгина 2000 йилнинг январидан бошлаб рингга туша бошлаган «Темир Майк» илк жангини январ ойида Буюк Британиялик Жулиус Френсис билан ўтказиб галаба қозонган ва 12 миллион АҚШ долларини қўлга киритган эди. Орадан беш ой ўтиб, ўз ҳамюрти Лу Саварез билан жанг ўтказган Тайсон рақибини учрашувнинг 38-сониясида нокаутга учратди.

Ўтган жума куни эса Тайсон 52-бор рингга тушди ва ўзининг 49-галабасини (шундан 43 тасида нокаут билан) нишонлади. Унинг бу сафарги рақиб полшалик Анжей Голот иккинчи раунд тугани арафасида рингни тарк этди. Жанг учун тикилган гонарарнинг 10 миллион доллари Тайсонга, 2,2 миллиони эса Голотга берилди.

Маттеус яна «Бавария» сафида

Немис футболнинг энг ёрқин ёлдузларидан бири 39 ёшли Лотар Маттеусни «Бавария» клуби маъмурларидан бири Франц Беккенбуэр ўз жамоасига таклиф қилди. Ўтган йили «Бавария»дан АҚШ клубларига йўл олган юлдуз бу таклифга хайрихоҳлигини билдирди. Маълум бўлишича, Маттеус футболдаги фаолиятини 40 ёшида тўхтатмоқчи экан. Демакки, унинг яна «Бавария» сафига қайтишига умид қилса бўлади.



Чемпионнинг мағлубияти ва дуранги

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ва тож даъвогари Владимир Крамник ўртасидаги 10-партия 25 ёшли даъвогарнинг галабаси билан якунланди. Уйинни оқ доналар билан бошлаган Крамник 25 юришдан кейин Каспаровни таслим этди. Кейинги ўйинда эса дуранг қайд этилди. Шундан сўнг Крамник 6,5:4,5 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Ҳа, янги жаҳон чемпиони дунёга келишига оз қолганга ўхшайди. Чунки, қолган беш партиядан, камида тўртта дуранг натижа қайд этилса, яъни даъвогар 2 очко жамғарса Каспаров мағлубиятга учраган ҳисобланади. Борди-ю, баҳс 8:8 ҳисоби билан тугаса, амалдаги чемпион Каспаров тожни ўзида сақлаб қолади.

ҚИТЪАНИ ТИТРАТГАН ТАЭКВОНДОЧИЛАР

моа ҳисобида таэквондо (ITF) ватани бўлмиш Корея спортчиларидан сўнг фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

— Ўелонларимиз бутун қитъани титратиб келаяпти денг!?

— Албатта-да, уларнинг исми шарифларини биласизми?

— Йўғ-а.

— Ана униси Бобобек Казаков, орқадаги Дмитрий Ним, қўлига мамлакатимиз байроғини тутгани Дилшод Мирбобоев, кейингилари Илҳом Тоиров, Леонид Ли, Маисей Ногай, Владислав Нам. Қўл силкитиб тургани уларнинг бошлиғи — республика Таэквондо ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов. Ўзи ёш бўлсаям катта муваффақиятларга эришган. Ҳозир унинг таассуротларини сўраймиз.

— Терма жамоамиз аъзолари саъй-ҳаракатлари хориждаги мутахассислар томонидан юксак баҳоланиб, улар қисқа фурсатда эришган ютуқларимизга қойил қолишди, — дейди у. — Қизиғи, бу гал майдон эгалари бўлган японияликларнинг омади чопмади. Атиги битта кумуш медал уларнинг умумжа-



моа ҳисобида бешинчи ўринга тушиб кетишига сабабчи бўлди.

— Қитъада иккинчи ўринни эгаллаш йигитларимизга осон бўлмади, — дейди ассоциация вице-президенти Шомурод Шофайзиев. — Чунки вакилларимиз қатнашган гуруҳ мусобақанинг энг кучли терма жамоаларидан иборат эди. Таъкидлаш жоизки, чемпионат бошланишидан олдин кунчиқар юрт маҳаллий матбуоти асосий беллашувлар уч мамлакат — КХДР, Япония ва Ўзбекистон ўртасида кечилишини олдиндан башорат қилган экан. Қўриб турганингиздек, бу тахминдан ҳам юқори натижага эришдик. Демак, галабадан руҳланган ҳолда янги марраларни кўзлаб олға интилаверамиз.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи»
мухбири.

да Туркияда бошланадиган навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадасига кизгин тайёргарлик кўраяптилар. Эркаклар терма жамоаси 4 нафар асосий ва 2 нафар захирадаги, аёллар эса 3 нафар асосий ҳамда бир нафар захирадаги ўйинчилардан иборат.

Жамоамиз сафида жаҳоннинг етакчи шахматчиларига айланиб улгурган Р.Қосимжонов, С.Загребальний, С.Йўлдошев, М.Салтаевларнинг борлиги яхши натижаларга умид қилиш имконини беради.

Айтгандай, 2004 йилдан шахмат ҳам асосий Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олади ва алоҳидаликка барҳам берилади.

Мамажон МУХИДДИНОВ,
Ўзбекистон Шахмат федерацияси фахрий президенти.

Самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Тумонат одам йигилган. Барчанинг нияти битта: самолёт ёнига тезроқ пиллапояр олиб борилса-ю, ундан тушиб келадиган спортчиларни кутласак.

— Болам, тинчликми, мунча бу ерга кўп одам тўпланган. Ё шу самолётда гаройиб бир нарса олиб келишимди, — сўрайди бир отахон.

— Бу самолётда голиблар учиб келиши, отахон.

— Голиблар...

— Ҳа, Япония пойтахти Токио шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича Осиё чемпионати бўлди. Унда Ўзбекистон вакиллари — сиз билан бизнинг фарзандларимиз муваффақиятли қатнашишди. Учта олтин, учта кумуш, учта бронза медалини қўлга киритган вакилларимиз умумжа-

Олимпия ўйинлари дастлаб қадимги Эллада — Грецияда миллоддан анча олдин бошланиб, вақти-вақти билан ўтказиб турилганидан хабардорсиз. Унинг дастурида шеърят, ақл-идрок баҳслари ҳам бўлганлиги тарих саҳифаларида бор. Бу ўйинларни маъжусийликка йўйиб тўхтатиб қўйилган вақтлар ҳам бўлган. Ниҳоят, ўтган аср охириларида ҳозирги Олимпия ўйинлари шаклланди.

Бу ўйинлар хусусиятига кўра, шахмат унинг дастурига кирмай қолди. Шунинг учун ҳам 1924 йили Парижда ташкил топган Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ўз олимпиадасини ўтказишга қарор қилди.

Уларнинг дастлабкиси 1927 йили Лондонда бўлиб, шундан буён ҳар икки йил-


да мунтазам ўтказиб келинмоқда. Дарвоқе, аёллар олимпиадаси анча кеч — эллигинчи йилларда бошланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимиз шахматчилари ҳам мазкур олимпиадада қатнаша бошлади. Натижалар ҳам чакки эмас. 1996 йили Сайдали Йўлдошев олтин медални қўлга киритди ва гроссмейстерлик талабини ортиғи билан бажарди.

Шахматчиларимиз айна кун-

Жаҳон шахмат олимпиадаси

Дурангга эриша оласизми?



Юриш оқлардан.

